



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exat.uz

2022 йил "12" октябрь

08-31469 - сон

Қорақалпоғистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирлиги,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш
Бош бошқармаси, вилоятлар
соғлиқни сақлаш бошқармалари,
Вазирлик тасарруфидаги тиббиёт
Олий таълим муассасалари ва илмий
ташкilotларга
Президент Администрацияси
ҳузуридаги Тиббиёт бош
бошқармасига

Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан режалаштирилган "Антимикроб резистентлик: муаммонинг ҳолати ва клиник амалиётдаги аҳамияти" мавзусидаги халқаро мутахассислар иштирокидаги республика илмий-амалий анжуманини ўтказиш тўғрисида

КЎРСАТМА ХАТ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йилга мўлжалланган асосий ташкилий тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида:

1. **2022 йил 18 ноябр куни** Тошкент шаҳри "Radisson Blu" меҳмонхонасида Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан режалаштирилган **"Антимикроб резистентлик: муаммонинг ҳолати ва клиник амалиётдаги аҳамияти"** мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани ўтказилсин.

2. Анжуман иштирокчилари ўринлари тақсимоли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази директори

TOSHKENT TIBBIYOT
AKADEMIYASI
DEVONXONA
2022. 11.04-03/2444

(Б.Таджиев), Фан ва таълим бошқармаси бошлиғи (У.Исмаилов), Иختисослашган марказларни фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи (З.Сайфутдинов) анжуманга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда, белгиланган муддатда юқори илмий ва ташкилий савияда ўтказилиши таъминласин.

4. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази директори (Б.Таджиев) га:

- сертификатларни тайёрлаш ва анжуман иштирокчиларини ўрнатилган тартибда сертификатлар билан таъминлаш амалга оширилсин;

- анжуманни ўтказиш билан боглиқ бўлган барча сарф-харажатлар ҳомийлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин;

- анжуман эпидемиологик ҳолатни инобатга олиб, қатъий профилактик чоралар кўрилган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон Қарори билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари”га мувофиқ ўтказилиши ва анжуман ўтказилганлиги тўғрисида ҳисоботни 3 кун муддат ичида Фан ва таълим бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин.

6. Тадбир ишини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш Матбуот ва PR хизмати раҳбари Ф.Санаевга юклатилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари, тиббиёт олий ўқув юртлари ректорлари, илмий-ташкilotлар директорларига иловага мувофиқ анжуман ишида қатнашиш учун ўз вакилларини қатнашишини таъминласин.

8. Ушбу кўрсатма хат ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазирнинг
биринчи
ўринбосари**



А.Иноятов